

КИТОБ – ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

*Равшанбек МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент*

Бугунги кунда жамият ва халқ хизматига ярайдиган, ўтмишини ҳурмат қиласидиган, миллий онги, миллий ғояси, миллий мафкура руҳидаги ёшларни тарбиялаш зиёлилар, ота-оналар олдидағи энг долзарб ва муқаддас вазифадир. Биз олимлар, зиёлилар баркамол ва комил ёшларни тарбилаш учун турли хил анжуманлар, учрашувлар ўтказяпмиз, янги фанлар, махсус курслар ташкил қиляпмиз, қисқаси, кўплаб қоғозларни қоралаяпмиз. Баркамол ва комил инсонларни қандай воситалар орқали шакллантириш борасида кўп баҳслашяпмиз. Болага, ўсмирга, йигит-қизга нималар кўпроқ таъсир қиласи? Комил инсон ким? Комиллик, баркамолликнинг қандай белгилари, унга етишишнинг қандай йўллари бор? Бу каби саволларга жуда кўплаб дуч келамиз. Баркамолликка эришиш йўлларидан бири эса китобхонлик эканлигини эса кўп ҳам англаб етавермаймиз.

“Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади” (Э.Лабуле). “Фоят доно хатти-ҳаракатларда туғилувчи эзгу хислатларимизнинг асосий қисми учун биз китобдан қарздормиз”, - деган эди Р.Эмерсон. Демак, китоб – маънавият булоғи, китоб – дўст, йўл кўрсатувчи, ақлли – ҳамроҳ. Ёшларни китоб билан дўстлаштириш – энг долзарб вазифадир. Талаба-ёшларни китобхонликка жалб қилиш бўйича Гулистон давлат университетида муайян ишлар қилинди ва қилинмоқда. Университет таъмирланишидан олдин барча, 20 та кафедрада кичик кутубхоналар ташкил қилинган эди. Талабалар турар жойларидағи “Маънавият ва маърифат” хонларида кутубхоналар мавжуд эди. Университет кутубхонасининг ўзида илмий ходимлар, аспирант-стажёрлар хоналари, диссертация, авторефератлар заллари ташкил этилганди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” ги Фармойиши дилимиздаги, қалбимиздаги ниятларимизни амалга оширишда асосий дастуриламал вазифасини бажаради. Чунки оиласда китобхонлик муҳити бор бўлса, фарзанд ўқимишли бўлиши қадимдан маълум. Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон ва бошқа кўплаб ижодкорлар ота-оналари, бувилари, устозлари эртаклар, достонлар ўқиб, айтиб берганликларини ёзганлар. Инсонни шахс сифатида шаклланишида китобнинг роли бекиёс эканлигини Президентимиз Фармойишида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

2000-2010 йилларда университетда “Китобхон талаба” танлови уюштирилган эди. Талабалар, профессор-ўқитувчилар ўқиши зарур бўлган 467 номдаги турли хил мавзулардаги китобларни ўқитиш ташкиллаштирилган эди. Талаба-ёшлар ўқиши учун Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг илмий-сиёсий, фалсафий асарлари, “Мутафаккирлар асарлари”, “Жаҳон адабиёти”, “XXI аср ўзбек адабиёти”, “Оммабоп асарлар”, “Диний-илмий, маърифий адабиётлар,” “Тўпламлар”, Сирдарё вилояти ижодкорларининг асарлари мутолаага тавсия этилган эди. Талабаларнинг бу китобларни ўқиган ёки ўқимаганлиги махсус комиссия, “Маънавият ва маърифат” маркази мутахассислари орқали ҳар ойда “Мулоқот” дарсларида, “Маънавият кунлари” да назорат қилиб борилган. 1-4-курсларда қайси китоблар ўқилиши зарурлиги бўйича иш олиб борилган. “Китобхон талаба” танлови ҳар уч ойда якунланган эди.

Халқимизда дунё тилсим, унинг калити – китоб, деган ибора бор. Бугунги ёшлар кўп китоб ўқимай қўйишди. Бу ҳеч кимга сир эмас. “Ёшлар китоб сотиб олмайдиган бўлиб қолиши”, “Ёшлар видеога берилишди”, “Ёшлар интернетга кириб кетишди”, деган надоматли гаплар кўп бора тақрорланадиган бўлиб қолди. Лекин кўпчилик аҳволни била туриб нолийди, холос. Хўш, ахволни яхшилаш йўлларини излаш, топиш лозимми, йўқми?

Ёшлар бугунги кунда қайси китобларни севиб ўқииди? Ҳар 100 нафар талабадан қандай китоб ўқиганлиги сўраганда 100 % “Шайтанат”ни, 40-50 % Ғаззолий, Румий, Қодирий асарларини ўқиганлигини айтишган. Демоқчиманки, китоб ўқиш ҳам инсоннинг ёш хусусиятига, оғлилик даражасига боғлиқ. Китоб ўқишига ёшларни ўргатиш зарур ва шарт.

Талабалар ва ўқувчилар қизиқувчан бўлишади. Биз жисмоний маданият йўналиши, ижтимоий-иктисодий факультет талабаларига Алишер Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини ёдлашларини тавсия қиласдирик ва белгиланган муддатда сўрардик.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда ёшларни китоб ўқишига жалб қилишни боғчадан, оиласдан бошлиш лозим. Ўзбекистон Қаҳрамони, машхур адабиётшунос ва таржимон Озод Шарофиддинов ўз уйидаги оиласи китобхонлик ташкил қилган эдилар. У оила аъзоларидан қайси китобни ўқиб тутатганини сўраб турган. Бунинг учун боғчаларда болалар ёши, психик хусусиятларини хисобга олган ҳолда кичик кутубхоналар ташкил қилиш, шунингдек, мактаб кутубхоналари фаолиятини янада жонлантириш зарур. Ҳозир битта бадиий китоб камидаги 10000 дан 30000 сўмгачадир. Фарзандига бадиий китобнинг ўртача нархи сотиб олиб, совға қилишга ҳамманинг ҳам имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам мактаблар, коллежлар, лицейлар, ахборот-ресурс марказлари энг янги бадиий, илмий-оммабоп китоблар билан бойитилиши зарур. Китоб – маънавий бойлиқ. Китоб инсонларни ўтмиш билан таништиради. Китоб инсонларни келажаги билан юзлаштиради. “Соғлом авлод тарбияси барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз”. “Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур”, - деган эди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов.

Баркамол инсон жамиятдаги тараққиётни кўра оладиган, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, экологик, касбий, жисмоний билимга эга бўлиши шарт. Бу билимларни эса инсонга китоб беради. Инсон ўз-ўзидан баркамоллашиб қолмайди. Китоб – инсонни баркамоллаштириш воситаларидан биридир.

Китоб – инсонларда ижобий ва салбий фазилатларни вужудга келтиради. “Китобсиз уй – жонсиз танадай гап”, - деган эди файласуф Цицерон.

Китоб инсонларда ватанпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, миллий ифтихор, меҳнатсеварлик, иймон-эътиқодлилик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, фаросатлилик, одиллик, биродарлик, билимлилик, оғлилик, ҳурфиксалик, фидойилик, байналмиллик каби энг зарур фазилат, хислатларни шакллантиради. Лекин китоб ўқи, уни фойдаси кўп, деган гапларни айтиш билангина барча китобхон бўлиб қолмайди. Ҳамма китоб дўконларидан китоб сотиб олавермайди. Айтмоқчимизки, китоб хаёт учун зарур экан, уни ўқишини ҳаётий эҳтиёжга айлантириш усулларини кашф қилишимиз зарур.

Японияда университет кутубхонасига кириб қанча вақт шуғулланишига караб ўқув юрти талабаларига устама рейтинг бали қўшилар экан. Биз ҳам бу усулдан фойдалансак ёмон бўлмас эди. Бу ҳам талабаларни кутубхонада шуғулланишлари учун бир рағбатлантириш йўли бўларди.

Китоблар қиммат, кутубхоналар бўм-бўш, китоб кам деб баҳона топамиз. Кутубхоналарни бойитиш учун нима ишлар қиляпмиз. Кутубхоналар фаолиятини яхшилаш, соҳа мутахассисларни кўпайтириш зарур.

Университетимизда анча муддат ишлаб, шу ерда фан доктори, профессор бўлган, “Халқ таълими” журнали собиқ бош мухаррири Жўра Икромов бутун умри давомида тўплланган барча ноёб китобларини Алишер Навоий номли кутубхонага совға қилган. Ёки филология фанлари докторлари, профессорлар Худойберди Дониёров ва Акрам Каттабековнинг фарзандлари тўплаган ўн минглаб китобларини университет ахборот-ресурс марказига топширгандилар, натижада уларнинг номида алоҳида ўқув-кироатхона ташкил қилинган эди. Ўқув-кироатхона ҳамиша талабалар билан гавжум. Агар олимларимизнинг фарзандлари ўз уйларидаги ҳеч ким фойдаланмаётган ўн минглаб китобларини мактаб, коллеж, лицей кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига,

болалар боғчаларига совға қилишса, бу катта савобли иш бўларди. Кутубхоналарнинг китоб фондлари анча бойирди.

“Мен билмаслигимнинг билимдониман”, “Билишига интилмаслик уят”, - деган эди мутафаккир Абу Али ибн Сино.

Хулоса шуки, китобхонликни ва фарзандларимизни, талабаларни китоб ўқишига жалб қилиш масаласини факат анжуман ёки мақолалар орқали ҳал қилиб бўлмайди. Бу каби энг долзарб, эзгу иш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Юорт, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро буйруқ, қарорлар кутмасдан имкониятидан келиб чиқиб, баркамол инсон тарбиясига ўз ҳиссасини қўшиши шарт. Боғча, мактаб, қишлоқ кутубхоналари заҳираларини бойитишга эътибор қаратилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Демак, илм-ўзликни билмақдир. Китоб ўқиши йўли ўзликни англаш йўлидир.